

Шайх Салоҳ Абул Ҳож ҳазратлари Мир Араб олий мадрасасида



11:52 / 27.11.2023 678

Ўзбекистон муслмонлари диний идораси таклифига биноан Ислом илмлари халқаро университети, ҳанафий фикҳи факультети мудир, устоз, доктор, шайх Салоҳ Муҳаммад Солим Абул Ҳож ҳазратлари расмий ташриф билан юртимизга келдилар.

Барчамизга маълумки, 26 ноябрь куни Бухоро шаҳрида Мир Араб олий мадрасасининг 500 йиллигига бағишланган «Боқий Бухоронинг ислом цивилизациясидаги ўрни» мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Ушбу анжуманда доктор Салоҳ Муҳаммад Солим Абул Ҳож ҳазратлари ҳам иштирок этдилар.

Бугун, 27 ноябрь куни шайх Салоҳ Абул Ҳож ҳазратлари Мир Араб олий мадрасасига ташриф буюрдилар. Ташриф асносида мадрасада таҳсил олаётган талабалар билан учрашув ташкил этилди. Учрашувда шайх Салоҳ Абул Ҳож ҳазратлари «Бухоро фикҳ мактабининг Ислом оламидаги аҳамияти» мавзусида суҳбат қилиб бердилар. Шу билан бир қаторда «Фатавои Қозихон» китобининг муқаддимаси ўқилиб, шарҳ қилинди.

«Фатавои Қозихон» китобининг муаллифи имом Фахриддин Ҳасан ибн

Мансур Ўзгандий Фарғоний Ҳанафийдир.

Ҳожи Халифа «Фатавои Қозихон» китоби ҳақида «Кашфуз зунун»да: «Бу машҳур ва маълум китобдир. Унга амал қилингандир. Уни уламо ва фуқаҳолар кўп ўқийдилар. Бу китобда кўп содир бўладиган ҳодисалар, ҳожат тушиб турадиган масалалар ва умматнинг иши тушиб турадиган воқеалар зикр қилинган», - дея таъриф берган.

«Фатавои Қозихон»нинг муаллифи уни «Расмул муфтий» деб номланган мухтасар муқаддима ила бошлайди ва ундан фатво беришга оид қоидаларни баён қилади. Кейин фикҳ китобларининг одатдаги тартибига биноан «Китобут таҳорат» дан бошлаб кетади. Китобда фикҳий масалалар ҳанафий мазҳаби уламолари ижтиҳоди асосида олиб борилади.

Эслатиб ўтамиз, шайх Салоҳ Абул Ҳож ҳазратлари Тошкент, Самарқанд, Андижон ва Наманган вилоятларидаги олий ва ўрта махсус ислом билим юртиларига ҳам ташриф буюришлари режалаштирилган.

Суҳбат сўнгида талабаларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.